

Фарзандимнинг дўстлари намоз ўқимайди



16:00 / 16.01.2023 1982

Баъзи оталар фарзандимнинг дўстлари: «Намоз ўқимайди» деб шикоят қилади. Шу туфайли болам намозга дангаса бўлиб қолишига туртки бўляпти. Бола масжидга деб чиқиб, йўлда ўртоқларини кўриб, улар уни ўйнашга чақиради. Масжидга боришни ўрнига улар билан ўйнашга боради. Уйга қайтгандан сўнг: «Намоз ўқидингми?» деб сўрасанг, у сенга ёлғон гапирди. Бунинг барчаси намозни ўқимайдиган дўстлари туфайлидир. Баъзи пайт фарзандинг ўртоқлари билан ўтиришга боради, улар билан бирга ўтирганида намозга азон айтилади. У энди намозга туриб кетмоқчи бўлганида, дўстлари унинг устидан кулишади. Унинг иродасини сўндириб: «Уйга борганида ўқийсан. Бизга артистлик қилма. Бу намоз ўқийдиган вақт эмас. Агар ҳозир кетсанг, кейин сен ўйинга кирмайсан» деб айтишади.

Яна намозни руҳини сўндирадиган бошқа гапларни айтишади. Намозни ташлаган ёмон ўртоқларни оқибати у намозига талаб қўяди. Буни қандай ҳал қилса бўлади?!

Оталардан бири айтади: «Мен фарзандимнинг дўстларини кўрдим. Фарзандим намоз ўқимай қолишига сабабчи бўлиб қолишган эди. Негаки, улар ёмон дўстлар эди. Мен қайта-қайта фарзандим улардан узоқлашиши учун ҳаракат қилдим. Ҳар қандай насиҳатлар қилганимда ўғлим мендан узоқлашиб кетаверди, балки ўртоқларига янада суяниб қолди. Баъзи пайтларда ўғлимни дўстлари уни сўраб келишганда, у уйда бўлса ҳам, мен ўртоқларига уйда йўқ деб айтар эдим. Ўғлим буни билиб қолса, уни жаҳли

чиқиб, дўстларига югуриб етиб олар эди. Шунинг англаб етдимки, мен уни ўртоқларидан кўпол йўл орқали узоқлаштирмоқчи бўлганим учун улар билан кўпроқ бирга бўлишига олиб келар экан. Энг ҳақ йўл эса, уни ижобий йўл билан узоқлаштириш керак экан. Жуда кўп ўйлаб фикрлаганимдан кейин, бошқа ечим топдим. Ёшлигидан тарбия бериб бориш керак экан. Ёмон дўстлардан эҳтиёт бўлиб, уларни қўлларидан ушлаб яхши йўлга бошлаш керак. Фарзандимни ўртоқларига намоз ўқитиш қўлимиздан келмаса, у болалардан ўзи йироқ бўлади. Яъни, қисқача айтадиган бўлсак, мен фарзандимни намоз ўқиши учун ундайман, у эса ўртоқларини ундайди. Агар дўстлари намоз ўқишса, нур устига аъло нур бўлади. Бироқ ўртоқлари намозни адо этишмаса, ўғлим секин ўзи улардан узоқлашишни бошлайди. Негаки, унга мулойим гапириб, барчасини тушунтирганимдан кейин у менга ён босиб, ўртоқлари намоз ўқимаяпганини кўриб ўзи улардан узоқлашишни бошлайди».

Яна бошқа оталардан бири айтади: «Фарзандимнинг дўстларни ёмонлигини яхши биламан. Шунинг учун ёшлигидан фарзандимни мана шу нарсдан йироқ қилишга ҳаракат қилдим. Бир куни мен ундан: «Ўғлим сен дўстларинг билан бирга бўлганигда азон овозини эшитсанг нима қиласан? Кетдик масжидда намоз ўқиймиз деб айтсанг, улар бизни таҳоратимиз йўқ уйга бориб ўқийсан деб айтишса сен қандай йўл тутар эдинг?» деб савол бердим. Сўнгра суҳбатимиздан кейин: «Сен уларга айтасан, мен намоз ўқиғунимча кутиб турунглар. Агар йўқ деб айтишса, кетаверинглар дейсан» деб айтишни унга уқдирдим. Яна ҳайратлантирадиган нарсаси мен бу фикрни унга ёшлигида айтган эдим. Бу фикрни ўғлим неча йилдан кейин такрорлаганимда уни ҳали ҳам бажармоқда. Агар мен уни ёшлигида уқтирмаганимда, балки ҳозир бошқа иш бўлиши мумкин эди. Негаки, мен унга анча нарсаларни ўргатдим. Ўртоқлари нима деб савол берса, унга чиройли қилиб жавоб беришини уқтирдим. Бу гапларни ўзи тушуниб етганидан кейин секин ўрганишни бошлади. Негаки, ўртоқларида анча босим бўлади. Бу босимни кўпчилик кўтара олмаганидан кейин ўртоғини йўлида кетаверади. Фарзандимга босим бўлаётганда у билан курашишликни ўргатдим. Босимга бўйсунмасликни ўрганди. Дўстларни ҳам танлаб дўстлашадиган бўлди».

Оналардан бири айтади: «Мен фарзандимга дугоналар ким эканлигини англаб етишни ўргатдим. Уларни босқичма босқич қўйишини айтдим. Қайси дугонаси намозини муҳофаза қиладиган бўлса, у Аллоҳга ва фарзандимга яқин бўлади. Бироқ қайси бир дугонаси намоз ўқимай, ота-онасини айтганини қилмайдиган бўлса, қизим улардан узоқ юришини тушунтирдим. Негаки, у Роббисини ҳаққига риоя қилмайдиган ва ота-

онасини ҳам айтганини қилмайдиган фарзанддир деб тушунтирдим. Бундан кейин у дугона танлашда адашмайдиган бўлди».

**Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида
Хуршид Маъруф тайёрлади**